

ИЮНЬ ОЙИДА ҚОЗОҒИСТОН – ТУРКИЯ ҲАВО ЙЎНАЛИШЛАРИ ОЧИЛАДИ

Қозоғистон ва Туркия ўртасидаги халқаро рейслар июнь ойи охирида тикланади. Буни Индустрия ва инфратузилмаларни ривожлантириш вазири Бейбит Атамқолов маълум қилди.

– Жорий йилнинг 1 майдан бошлаб Нур-Султан ва Алматидан мамлакатнинг 20 шаҳрига парвозлар аста-секин тикланди. Ҳозир 44та ички йўналиш бўйича ҳафтасига 349та қатнов амалга оширилмоқда. 188 мингта авиачипта сотилди. Бундан ташқари, халқаро қатновларни босқичма-босқич кучайтириш режалаштирилган. Июнь ойи охирида Қозоғистон ва Туркия ўртасидаги халқаро авиарейсни қайтадан йўлга қўйиш режаланган, – деди вазир.

ҚОЗОҒИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ТИКЛАНА БОШЛАДИ

ҚР Миллий иқтисодиёт вазири Руслан Даленов 2020 йил январь-май ойларида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш натижалари тўғрисида ҳисобот берди.

Дастлабки маълумотларга кўра, ички ялпи маҳсулот 1,7 фоизга камайган. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми эса 4,8 фоизга ўсди. Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш ҳажми 6,2 фоизга камайди, – деди у. Шунингдек, йиллик инфляция 6,7 фоизни ташкил этди. Бу ўтган ойга нисбатан пастроқ. Ишлаб чиқариш соҳасида ўсиш давом этмоқда. Май ойидан бери хизматлар соҳаси тез тикланмоқда. Шу билан бирга, савдо баланси юқори ўсишни кўрсатди.

БУ ЙИЛ 5 МИНГ ЁШ МУТАХАССИСГА УЙ-ЖОЙ УЧУН 0,01 ФОИЗЛИ НАСИЯ БЕРИЛАДИ

Қозоғистон Миллий иқтисодиёт вазири Руслан Даленов «Диплом билан қишлоққа» лойиҳаси доирасида ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш чоралари ҳақида маълумот берди.

– «Диплом билан қишлоққа» лойиҳаси қишлоққа мутахассисларни жалб қилиш мақсадида амалга оширилмоқда. Ўтган йили 1200 қишлоқда 400дан зиёд мутахассис иш бошлади. Шаҳарлардан қишлоқларга ўқитувчилар, шифокорлар, маданият ва спорт ходимлари, шунингдек, ветеринар ва агрономлар жалб қилинди. Уларга уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун давлат томонидан ёрдам кўрсатилмоқда. Ажратилаётган маблағ инфляцияни ҳисобга олган ҳолда ҳар йили оширилмоқда. Бугунги кунда бу маблағ ҳажми 4,1 миллион тенгени ташкил қилади. Насия ставкаси эса 15 йил учун 0,01 фоизни ташкил этади, – деди вазир.

Қазақпарат.



janubiy.kz

Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2020 йил 11 июнь, пайшанба. №55 (2830).



СТРАТЕГИК ТАРАҚҚИЁТ РЕЖАСИ МУҲОКАМАДА

Қозоғистон Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев Бош вазир Асқар Маминнинг ҳисоботини тинглади.

Давлат раҳбарига жорий йилнинг 5 ойи давомида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, коронавирус тарқалишига қарши кураш ва санитария-эпидемиология ҳолатини яхшилаш ишлари ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, инқирозга қарши чоралар, иқтисодий ўсишни тиклаш бўйича 2020 йилга мўлжалланган мажмуавий режа ва 2025 йилгача мўлжалланган стратегик тараққиёт режаси ҳақида айтилди.

Бош вазир маълумотларига кўра,

коронавирус пандемияси туфайли жорий йилнинг январь-май ойларида миллий иқтисодиётнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,7 фоизга пасайган.

Иқтисодиётнинг қатор тармоқларида, шу жумладан, тоғ-кон, қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳалари, шунингдек, асосий капиталга сармояларни жалб қилишда ижобий ўсиш кузатилмоқда.

Асқар Мамин, шунингдек, баҳорги экиш ишлари якунлангани ҳақида маълумот берди.

Бундан ташқари, жорий йилда 1,22 миллион кишини иш билан таъминлаш бўйича мажмуавий чоралар кўрилишини маълум қилди.

Қозоғистон Президенти жорий йилнинг июль ойида мамлакатнинг биринчи ярим йилликдаги ривожланиш якунларини муҳокама қилиш учун кенгайтирилган мажлис ўтказишни ва инқироз оқибатларини бартараф этиш вазифасини қўйишни режалаштирмоқда.

Учрашув якунларига кўра Қасим-Жўмарт Тўқаев Асқар Маминга экотуризмни ривожлантириш юзасидан қатор аниқ топшириқлар берди.

Akorda.kz

70та ИНШОТ Топширилади

Туркистонда етакчи маҳаллий ва хорижий қурилиш компаниялари қатор иншоотларни қурмоқда. Йил охирига қадар улардан 70таси фойдаланишга топширилади.

Уй-жойларнинг кенг миқёсда қурилиши натижасида 2430 оила бошпана билан таъминланади ва 3604 хусусий ер участкаларига инфратузилма тизимлари юритилади.

Шаҳарнинг меъморий қиёфасига алоҳида эътибор берадиган вилоят раҳбари пудратчилар билан учрашиб, кўп қаватли биноларнинг сиртини дид билан безатишни топширди.

2020 йилда «Нурли ер» давлат уй-жой дастури бўйича 158та объект қурилиши учун давлат бюджетидан 36,6 млрд. тенге ажратилди. Улар орасида 40та

ижаравий, 30та муҳандислик инфратузилма иншооти ва 88та насияга бериладиган уй мавжуд.

Давлат бюджети ҳисобидан харид қилиш ҳуқуқисиз 40та кўп қаватли уйнинг қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. Йил охирига қадар 978та квартирали 18та уйни фойдаланишга топшириш режаланган. Шунингдек, ижтимоий насияга бериладиган уй-жойларни ривожлантириш йўналишида 7 қаватли 48та, 72 ва 84 квартирали 24та уй қурилиши олиб борилмоқда. Йил охирига қадар 1452та квартирани фойдаланишга топшириш

мўлжалланмоқда.

Туркистоннинг маъмурий-тадбиркорлик марказида қимматбаҳо қоғозлар сотилиши ҳисобидан янгидан 7, 9 ва 12 қаватли 64та уй қурилмоқда. 3987та кўп қаватли уйнинг қурилиши учун 4,25 фоизли устама билан 14,2 млрд. тенге ажратилган. Вилоятда «Нурли ер» давлат дастурининг сифатли амалга оширилиши ҳам қатъий назорат остига олинган.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



● Обуна – 2020

“ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН” газетасига обуна бўлинг!

Матбуот – жамиятнинг кўзгуси, кундалик ҳаётимизнинг ойнаси, шитоб билан ўтиб бораётган умр лаҳзаларининг қоғоздаги инъикосидир. “Жанубий Қозоғистон” – республикамиздаги ягона ўзбекзабон давлат нашри, унда миллий қадрият, урф-одат ва анъаналаримиз ҳақидаги рангбаранг мақолалар, янгилклар, турфа ҳангомалар она тилимизда эълон қилинади.

Ҳурматли юртдошлар! «Жанубий Қозоғистон»га 2020 йилнинг иккинчи ярми учун обунани расмийлаштиришга шошилинг!

“Қазпочта” ҲЖ орқали:
Шимкент шаҳри учун – 2590, 85 тенге;
туманлар учун – 2911, 20 тенге.
Шимкент шаҳри учун таҳририят орқали бевосита обуна баҳоси – 1600 тенге.



Ўмирзақ ШҮКЕЕВ: “КАРАНТИН ТАЛАБЛАРИ ҚАТЪИЙ САҚЛАНИШИ ШАРТ”



Вилоят ҳокими Ў. Шүкеев Туркистон шаҳридаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини текширди. Қурувчилар билан учрашиб, санитария талабларининг сақланиши масалаларини муҳокама қилди.

– Минтақадаги коронавирус инфекциясига доир кўрсаткичлар қувонарли эмас. Вилоят ҳудудида карантин ҳамда чеклов тадбирлари коронавирус иллатининг эпидемиологик аҳоли барқарорлашгунча сақланади. Шунга кўра, барча туман, шаҳар ҳокимлари, бошқармалар раҳбарлари ва тегишли давлат органлари чеклов ишларига мувофиқ иш олиб боришлари керак. Карантин талаблари қатъий сақланиши шарт. Қурилиш соҳасида эҳтиёт чоралари ва интизомни

кучайтириш керак, – деди вилоят ҳокими.

Шаҳардаги “Мажмуавий истироҳат боғи”да ободонлаштириш ишлари тугай деб қолди. Фаввора қурилиши ва умумий суғориш тизими тўлиқ битди. Бугунги кунда ташқи суғориш тизимларининг қурилиши, дарахтларни оқлаш, майса тўшаш, шунингдек, пиёдалар йўлаги, карвон йўллари ҳамда канал ишлари охираяпти. Истироҳат боғида ҳовузлар қурилиб, чироқлар қўйилган. Ранг-баранг

гуллар ва қимматбаҳо дарахт турлари ўтқазилган.

“Ҳазрат Султон” кўриқхона-музейи ҳудудини ободонлаштириш ишлари 4 босқичга бўлинган. Музей ҳудудида ер текисланиб, канализация тизимини юритиш ишлари олиб борилмоқда. Фаввора майдонига цемент қуйиш ишлари ҳам авжида. Қурилиш майдонига 82 ишчи сафарбар қилинган.

Тўнғич Президент истироҳат боғида канализация ҳамда электр тизимлари тўлиқ якунланди. Ер текисланиб, ёритиш тармоғи юритилиб, ташқи сув тизими билан тўлиқ таъминланди. Истироҳат боғи ҳудудида 2000дан зиёд дарахт турлари экилган.

сала бултур декабрь ойида Москвада ўтган Туркистон вилояти кунларида ҳам айтилди. Тадбирда туристик компаниялар, туризм салоҳиятига эга жамоат бирлашмалари, ассоциациялар ва давлат ташкилотлари иштирок этди.

Аэропорт 900 гектар майдонни қамрайди. Бу ерда терминал, учиб-қўниш йўлаги ва бошқа иншоотлар қурилади. Аэропорт терминали йилига 3 миллионга яқин йўловчига хизмат кўрсата олади. Бу иншоотга олиб борадиган автомобиль йўлининг умумий узунлиги –16,3 қақирим.

Вилоят ҳоқимининг
матбуот хизмати.

Ҳафталик девон йиғилишида вилоят ҳоқими шундай деди. Амалга оширилган ишлар ҳақида маъруза қилган Кентов шаҳри ҳоқими Даурен Маҳажанов шаҳарни ривожлантириш дастурлари билан таништирди.

“КЕНТОВ БИЛАН ТУРКИСТОН БАРАВАР РИВОЖЛАНАДИ”



Кентов шаҳрида бу йил қатор сармоявий лойиҳалар жорий этилади. Чунончи, Кентов шаҳар Кўтирбулоқ аҳоли манзилида қурилаётган қуёш электростанцияси йил сўнгига қадар битказилади. “Nevel Kazakhstan” МЧБ лойиҳасининг умумий қиймати 15,9 млрд. тенге. Шунингдек, Кентовда полиэтилен қувур ва радиатор ишлаб чиқариш цехлари ҳамда темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш заводи бу йил ишга туширилди.

– Жорий йилда “Қишлоқ – эл бешиги” дастури доирасида Кентов шаҳрига қарашли Чоға ва Ўранғай қишлоқларида 1та мактаб тўқис таъмирдан ўтди. 36та йўл тузатилиб, пиёдалар учун йўлак тўшалди, кўчалар ёритилди. “Бандликнинг йўл харитаси” дастури доирасида битта мактаб тўқис таъмирдан, 35та мактаб эса жорий таъмирдан ўтказилди. Кўчалар тузатилиб, хиё-

бонлар ободонлаштирилди. 1та кўприк ва пиёдалар учун йўллар таъмирланмоқда. Ушбу дастур доирасида 300дан зиёд иш ўринини очиш режаланган, – деди Кентов шаҳри ҳоқими.

Ўмирзақ Естайули бир пайтлар ишлаб чиқариши ривожланган минтақа ҳисобланган 65 йиллик тарихга эга Кентов шаҳрини Туркистон билан баравар ривожлантиришни пухта йўлга қўйишни топширди. Шаҳар раҳбарига Кентовга қарашли қишлоқ округлари аҳолисининг ижтимоий, қурилиш, инфратузилмавий эҳтиёжлари ва муҳим масалаларини ўз вақтида ҳал этишни юклади. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик ва ишлаб чиқаришни ривожлантириб, инновацион лойиҳаларга устуворлик беришни юклади.

Вилоят ҳоқимининг
матбуот хизмати.

ЙИЛИГА 3 МЛН. ЙЎЛОВЧИГА ХИЗМАТ КЎРСАТАДИГАН АЭРОПОРТ ҚУРИЛМОҚДА

Вилоят ҳоқими Ўмирзақ Шүкеев вилоят марказида барпо этилаётган халқаро аэропорт ҳамда унга олиб борадиган автомобиль йўлининг қурилиши билан танишди.

Шаҳардан 16 қақирим масофада жойлашган аэропорт халқаро андазаларга мувофиқ ва замонавий қурилиш технологияси асосида бўй кўтараяпти. “YDA Group” турк компанияси барпо этаётган иншоот йил охиригача фойдаланишга берилади. Айни дамда қурилиш майдонида сармоядорнинг 102та махсус техникаси ва 300дан

зиёд қурувчи тинимсиз меҳнат қилмоқда.

Туризм салоҳиятини ошириш учун махсус дастур ҳозирланиб, 2025 йилгача сайёҳлар сонини 5 миллионга етказиш кўзланмоқда. Шу мақсадда халқаро аэропортдан икки кунда бир марта Туркистондан Маккага тўғридан тўғри йўналиш очиш кўзланган. Бу ма-

ИЖТИМОЙ КАРТОЧКАЛАР АВГУСТ ОЙИДАН АМАЛ ҚИЛАДИ

Туркистон шаҳрида ҳар бир фуқарога ижтимоий карточка берилади. Буни шаҳар ҳоқими Р. Аюпов маълум қилди. Карточка орқали жамоат транспортдан фойдаланиш, мактабда бепул таом олиш ва бошқа тўловларни амалга ошириш мумкин.

Шу сабабли Рашид Абатули ҳар бир тадбиркорда терминал бўлиши зарурлигига эътибор қаратди. Ушбу тизимни ҳар томонлама такомиллаштириб, август ойигача тўла тугатишни топширди. Келгусида ариза бериш, харитани қандай олиш йўллари тушунтирилади. Шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатиш арзон ва самарали бўлади.

Бундан ташқари тадбиркорлик иншоотларини меъморий безатиш ишлари зарурлиги ҳам айтилди.

Туркистон шаҳар ҳоқимлигининг
матбуот хизмати.



50 ФОИЗИДАН ЗИЁДИ ТИКЛАНДИ

Мақтаарал туманида 994 агротузилма тасарруфидаги 5695 гектар экин майдони тошқиндан зарар кўрган эди. Шундан пахта – 3939,4 га., қовун-тарвуз – 801,2 га., маккажўхори – 74, 75 га., беда – 22, 75га., мевали (шафтоли) боғ – 4га., карам – 2,22 га. ҳамда агротехникавий ишлов берилган экин майдонлари – 850, 64 гектар.

Экин майдонлари тикланиб, экин ишларига қўшни Ўзбекистондан жами 42та

қишлоқ хўжалиги техникаси ёрдамга келди.

Ҳозир суви тортилган дала-ларнинг 3083 гектарига қайта ишлов берилиб, 3030,5 гектар майдонга турли қишлоқ хўжалиги экинлари экилди. Тошқиндан зарар кўрган экин майдонларини аслига келтириш ишлари давом этади.

Вилоят минтақавий
коммуникациялар
хизмати.

ҲАМЮРТЛАР ҲИММАТИ

Чордара тумани, Қўссейит қишлоқ округида яшайдиган 4 болали бева Нургул Бекжан қизи 1983 йили туғилган мактаб битирувчилари ҳомийлигида бошпанали бўлди.



Айтганча, мактабни 2000 йили битирган йигит-қизлар 20 йиллик учрашувлари чоғида ҳамқишлоқларига ғамхўрлик кўрсатиб, кўп болали онага 3 хонали уйнинг калитини топширди. Шунингдек, маиший техника ҳам хонадонга армуғон қилинди. Эзгу ишга қишлоқ ҳоқими ва бийлар ташаббускор бўлишган. Қўссе-

йит қишлоғида йил сайин хайрли ишларни амалга ошириш аънаанага айланиб бормоқда.

Ўз уйининг остонасини ҳатлаган Нургул Бекжан қизи унга ёрдам берган ҳамюртларидан миннатдор.

Вилоят минтақавий
коммуникациялар
хизмати.

ҚИШЛОҚ РИВОЖЛАНСА – ЮРТ ФАРОВОН БЎЛАДИ

Тўлебий туманида аграр шўба ривожланиб, ер унумдорлигини ошириш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Қишлоқларда янги иш ўринлари очилмоқда. Вилоят ҳокимининг ташаббуси билан бандлик масаласига бизнес вакилларининг ҳам жавобгарлигини оширгани бу ишга янги туртки бермоқда.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш дастури «Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади», деган ғояни ўзида мужассам этган. Унинг асосида қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш борасида улкан бунёдкорлик тадбирлари амалга оширилмоқда.

Туман саноатида «Балмуздақ» МЧБ ва «Фудмастер-Шимкент» корхоналарининг ўрни катта, улар ISO-2001 сертификатига эга бўлишган.

Йилқичилик соҳасида 4 та наслчилик хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Уларда 150 бошдан зиёд

сонини йилдан-йилга ортимоқда. Айни кунларда 3595 одам ижтимоий ёрдам олмақда.

Яқинда Б. Ўмарбеков бошчилигидаги ишчи гуруҳ Кўксаёқ қишлоқ округидаги «Keremet agro Group» қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ширкати боғбонлари билан учрашди. Бу ерда янги технологиялар ёрдамида экинлар ҳосилдорлигини ошириш режаланмоқда. Йилига икки марта ҳосил олиш масаласи ҳам кун тартибда.

Тумандаги «ФудМастер-Шимкент» МЧБда бир кеча-кундузда 58 тонна сут қайта ишланиб, маҳсулотларнинг 100га яқин тури чиқарилади. Уларнинг ярми экспорт қилинмоқда.

«Яшил иқтисодиёт» дастури доирасида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Чунинчи, 2021 йилгача туманда 10та муқобил электростанция ишга туширилади. Улардан бири – «Кеңес-1 КСЭС» кичик гидроэлектростанцияси. Қасқасу қишлоқ округида очилган янги корхона «KEGOK» ХЖ билан шартнома тузиб, келгусида 4,5 МВт



АЖРАШИШЛАР КАМАЙДИ

Учинчи мегаполисда барпо этилган оила кенгаши фаолияти ижобий натижа беряпти. Кенгаш аъзоларининг саъй-ҳаракати билан эр-хотинлар ўртасидаги ажрашишлар анча камайган. Бунини Шимкент шаҳри ҳокими М. Айтенов раислигида ўтган йиғинда оила, болалар ва ёшлар ишлари бўйича бошқармаси раҳбари Ж. Қалтаев маълум қилди.

Унинг айтишича, ажрашишларнинг олдини олиш мақсадида республикада биринчи бўлиб Абай туман суди базасида «Оила кенгаши» ишчи гуруҳи ташкил этилиб, унинг кўмагида ажрашишга ариза берган оилаларнинг 47таси сақлаб қолинган.

– Кенгашнинг 46та мажлисида ажрашишга аҳд қилган 412та оиланинг масаласи кўрилди. Шундан 154 жуфт медиация усули билан тўтувланди, 47 фуқаронинг ажрим бўйича аризалари қайтарилди. Лойиҳани жорий йилда 4та туманда ҳам жорий этишни кўзлаб турибмиз, – деди бошқарма раҳбари.

Шимкент шаҳрида ўтган йили 108 бола бошпана билан таъминланади. Жорий йилда 48 нафар етим йигит-қиз ўйли бўлди. 46 нафар тарбияланувчи олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида бепул таълим олмақда.

Давлат раҳбари Қ. Тўқаевнинг ташаббуси билан 2020 йил Волонтерлар йили деб эъ-

лон қилиниши муносабати билан шаҳарда «Шимкент волонтерлар ҳамжамияти» ташкил этилди. Улар билан биргаликда «Жонга малҳам» хайрия акцияси ташкил этилиб, 12245 ижтимоий аҳоли ночор оила ва кексаларга озиқ-овқатлар улашилди, 333 оилага зарур дори-дармон етказилди. Шунингдек, пандемия пайтида полиция ходимларига, Мақтааралдаги сув тошқинидан зарар кўрганларга ёрдам беришга ҳам волонтерлар жалб этилган. Банкларда санитария меъёрларига риоя этишга ёрдамлашиб, уларнинг меҳнати банк раҳбарияти томонидан юксак баҳоланди. Йиғинга яқун ясаган Мурат Дуйсенбекули: «Давлатнинг асосий таянчи – оила. Ҳар бир фуқаро оиланинг қадриятини ҳам, аҳамиятини ҳам теран ҳис этиши жоиз. Уни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашнинг давлат тавсия этган имкониятларидан фойдалана билиш жоиз. Ушбу йўналишда ишларни кенгроқ тарғиб қилишни топшираман», – деди.

Шу билан бирга шаҳар ҳокими хавфли касаллик кенг тарқалаётган бир паллада волонтерларнинг хизматини ҳам алоҳида баҳолади.

Шимкент шаҳар ҳокимининг
матбуот хизмати.



зотдор от боқилмоқда. Наслдор қорабайирларни кўпайтириш ва от спортини ривожлантириш мақсадида Кемекалган қишлоқ округида янги йилқичилик мажмуаси барпо этилди. Ижтимоий соҳа туман ҳокимининг назоратига олиниб, кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Туманда ижтимоий дўконлар

электроэнергия ишлаб чиқаришни режаланмоқда.

Хуллас, тумандаги барча имкониятлар минтақа иқтисодиётини ривожлантириш ва шу орқали ижтимоий масалаларни ҳал этишга қаратилмоқда.

Б. ДЎСМАТОВА.

ИНДУСТРИЯВИЙ МИНТАҚАДА ИШ ҚИЗГИН

Ленгер шаҳридаги «Нурлы шапағат» МЧБ 40 гектарли индустриявий минтақада қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган бта завод қурилишини олиб бормоқда. Дарбаза қонида глауконит моддасини қазиб олишга тайёргарлик кўрилмоқда. Ушбу модда қишлоқ хўжалигида: тупроқ унумдорлигини ошириш, мелиорация ҳолатини яхшилашда фойдаланилса, глауконитдан калийли ўғит олиш ёки ҳеч қандай ишловсиз табиий ўғит сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Хусусан, тупроққа глауконит қуқунини солиш қатор долли экинлар ва картошка ҳосилдорлигини 10-20 фоизга ортиради, мевали дарахтларга ҳам таъсири яхши.

Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликда озуқага кўшимча сифатида қўлланилса, ҳайвонлар организмларидан ичакдаги захарли моддалар ва радионуклидларни чиқарувчи сорбент ҳисобланади. Энергетикада эса энергетик мойларни тозалашда ишлатилади.



Нефть кимёсида, озиқ-овқат саноатида, тиббиёт ва косметологияда ҳам кенг қўлланилади.

Туман иқтисодий салоҳиятида саноат тармоғи ўзига хос аҳамият касб этади. Шу боис ҳозир ҳудудда жами 12та йирик ва 58та кичик саноат корхонаси мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Улар асосан, машинасозлик, қурилиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва табиий ресурсларни қайта ишлаш ҳамда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоқларида фаолият юритмоқда.

Фақат жорий йилнинг ўзида шаҳар ва қишлоқларда ўнлаб соғлиқни сақлаш, мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, турар жой бинолари қурилди. «Тоза сув» дастури бўйича қишлоқларга сув келди.

«Овулим – олтин бешгим» дастури доирасида «ҚазТрансГазАймақ»

ҳиссадорлик жамияти 4 млн. 300 минг тенгега Ленгер шаҳридаги Қ. Сатпаев номли мактабга спорт иншооти қуриб берди. Хусусий тадбиркорлар ўзлари таълим олган мактабларга ўнлаб спорт майдонларини тўхфа қилишди.

Тадбиркорликни ривожлантириш одамларга ўз даромади ва фаровонлигини ошириш имконини беряпти. Ривожланишнинг муҳим омилли бўлган бизнес-лойиҳаларнинг жорий этилиши туфайли туманда ҳар йили юзлаб янги иш ўринлари очилмоқда. Янги иссиқхоналар қурилиб, боғлар барпо этилмоқда, мол бўрдоқлаш ва наслчилик фермалари очилапти. Туманни туризм ҳудудига айлантириш борасида ҳокимлик томонидан қатор ишлар олиб борилмоқда.

Б. ДЎСМАТОВА.

ШАҲАР САНОАТИ РИВОЖИ

Шимкент шаҳар иқтисодиётининг ривожига сезиларли улуш қўшиб келаётган «Оқтўстик» индустриявий минтақасида жойлашган қатор корхоналар ўз фаолиятини яхши йўлга қўйиб келмоқда.

Бу ерда иш олиб бораётган тадбиркорлар давлат томонидан кўрсатилаётган қўлловдан мамнун. Бугунги кунда ишлаб чиқариш корхоналари иқтисодиётни модернизациялашда таянч кучи саналади. Корхоналар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг экспортини оширишга устуворлик беришмоқда.

Минтақадаги «Шимкент Темир» МЧБ пўлат қуйиш заводининг биринчи навбати 2018 йили ишга тушган. Заводнинг умумий қиймати 5,9 млрд. тенгега тенг. Йилига 250 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга корхонада 300дан зиёд одам иш билан таъминланган. Завод – МДХ давлатларида ўхшаши йўқ, замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Корхона тўлиқ ишга тушса йилига 1 миллион тонна маҳсулот олиш, 2100 кишини иш билан таъминлаши режаланган.

«Ferrum-Vtor» МЧБ пўлат қуйиш цехи лойиҳасининг қиймати 1 млрд. 244 млн. тенгени ташкил қилади. Унда 235 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Заводда Европа андазаларига мос ҳамда нархи арзон пўлат ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари индустриявий минтақада алюминий симлар чиқарадиган цех ва бетон қурилиш материаллар корхонасининг фаолияти ҳам яхши йўлга қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, «Оқтўстик» индустриявий минтақасида ҳозирги вақтда умумий қиймати 41 миллиард тенгега тенг 66та лойиҳа амалга оширилмоқда, 4 мингдан зиёд иш ўрини мавжуд.

М. УСМОНОВА.



ШЫМКЕНТ ОЛИЙ ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ

Ўқишга таклиф қилади!

МУАССИС ВА ДАВЛАТ ТАЪЛИМ ГРАНТЛАРИ КЎЗДА ТУТИЛГАН

KZ 66LAA рақамли давлат лицензияси берилган.

Амалий бакалавриат малакаларига эга

2014 йили профессор Б. С. Юнусов университет қошида Жанубий Қозоғистон педагогика коллежи хусусий муассасасини ташкил қилди. 2017 йилда педагогика коллежига мустақил ўқув юрти мақоми берилди.

2014 йилда коллеж «Жанубий Қозоғистон вилоятида «Энг яхши коллеж – 2014» унвонига ноил бўлди.

2016 йилда Жанубий Қозоғистон педагогика коллежи бош соврин – «Таълим фахри – 2016» номинациясига мушарраф бўлган.

2017 йил ноябрида коллежга «Олий коллеж» мақоми берилди.

2018 йилнинг май ойида коллеж 5 йил муддатга институционал ва ихтисослаштирилган аккредитациядан муваффақиятли ўтди.

2019 йили у Қозоғистон Республикаси Миллий Бизнес рейтинги натижаларига кўра, «2019 йил соҳа етакчиси» унвони билан тақдирланди.

Бугунги кунда малакали мутахассислар тайёрлашни халқаро алоқаларсиз амалга ошириб бўлмайди. Халқаро ҳамкорлар билан биргаликда коллеж халқаро таълим лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширмоқда. Яқин ва олис чет эл, шунингдек, Қозоғистоннинг етакчи коллежлари билан икки томонлама ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бугунги кунда коллежнинг ўқув базаси янги ахборот технологиялари: мультимедиа кабинетлари, лингафон ва компьютер синфлари, электрон ўқув зали, устахона ва ётоқхона, бой китоб жамғармасига эга кутубхона билан таъминланган. Янги спорт маркази қурилган, тренажер зали мавжуд. Буларнинг барчаси Қозоғистоннинг, шу жумладан, Шымкент ёшларининг муносиб билим олишларига хизмат қилади.

Коллеж битирувчилари университетда қисқартирилган дастур асосида (3 йил) ўқишини давом эттириш ҳуқуқига эга.



Коллеж раҳбарияти Англиядаги энг нуфузли Кембриж минтақавий коллежи билан меморандум имзолаб, талабалар ва ўқитувчиларнинг савиясини ошириш, инглиз тилини мукамал эгаллаш ва хорижий давлатлар маданияти билан яқиндан танишиш, тажриба алмашиш имкониятини яратди.

МАНЗИЛИМИЗ:
ШЫМКЕНТ ШАҲРИ,
21-КИЧИК ТУМАН,
8 МАРТ КЎЧАСИ.

www.okpk.kz
e-mail: ukpk_shym@mail.ru
shym_kolledj

Тел.: 50-61-36, факс: 50-60-72.

Shymkent коллежи 2020-2021 ўқув йилига қуйидаги ихтисосликлар бўйича талабалар қабул қилади:

- 0101000 – Мактабгача таълим ва тарбия
- 0101013 – Мактабгача тарбия муассасаси тарбиячиси
- 0103000 – Жисмоний тарбия ва спорт
- 0103023 – Жисмоний тарбия ва спорт ўқитувчиси
- 0105000 – Бошланғич таълим
- 0105013 – Бошланғич таълим ўқитувчиси
- 0105104 – Бошланғич таълим амалий бакалаври
- 0108000 – Мусиқа таълими
- 0108013 – Мактабгача тарбия муассасалари ва асосий ўрта мактабларда мусиқа ўқитувчиси
- 0111000 – Асосий ўрта таълим
- 0111013 – Қозоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси
- 0201000 – Ҳуқуқшунослик
- 0201023 – Ҳуқуқшунос-маслаҳатчи
- 0401000 – Кутубхоначилик иши
- 0401013 – Кутубхоначи
- 0402000 – Дизайн (профиль бўйича)
- 0402013 – Дизайнер
- 0402022 – Бадий-безатиш ишларини бажарувчи
- 0512000 – Таржимонлик иши (турлари бўйича)
- 0512013 – Таржимон
- 0512023 – Гид-таржимон
- 0518000 – Ҳисоб ва аудит (соҳалар бўйича)
- 0518033 – Иқтисодчи-ҳисобчи
- 1304000 – Ҳисоблаш техникаси ва дастурий таъминот
- 1304043 – Техник дастурчи
- 1304012 – Рақамли ахборотларни қайта ишлаш бўйича мутахассис.

ДАВЛАТ ТАЪЛИМ БУЮРТМАСИ БЎЙИЧА

Сўнги уч йилда коллежга давлат таълим буюртмалари ажратилган.

АМАЛИЙ БАКАЛАВРИАТ БЎЙИЧА

Коллеж икки:
0105104 Бошланғич таълим амалий бакалаври

0101044 Мактабгача таълим ва тарбия амалий бакалаври
ихтисосликлари бўйича амалий бакалавриат ўқиш дастурларини тайёрлаб, таълим жараёнига жорий қилган.

МАСОФАДАН ЎҚИТИШ БЎЙИЧА

Ҳозир таълим муассасаларининг барчасида масофадан ўқитиш технологияси жорий қилинган. Бу йўналишда коллежда «Smart Nation» платформаси орқали таълим хизмати ташкиллаштирилмоқда.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур:

1. Ариза.
2. Маълумоти тўғрисидаги ҳужжатлар (асл нусхаси).
3. Тиббий маълумотнома. (086-У ва 063-У шаклидаги).
4. Шахсий гувоҳнома.
5. 3x4 см. катталикдаги 6та сурат.